

№7-сон  
Март – май 2016

Европа Иттифоқи Вице-президентининг Самарқанддаги етакчи мактабга ташрифи


10-бет

Инклюзив таълимнинг Миллий стратегиясини тасдиқлаш борасидаги 7 чора-тадбир

6-бет

ТППК ва ПТПК мутахассислари фаолиятидаги муваффақиятлар ҳамда уларга таклифлар

16-бет



# ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ АМАЛИЁТДА



Европа Иттифоқи



РБИММ



Ўзбекистон Республикаси

“Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларини инклюзив таълим олиши” лойиҳаси Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилмоқда ва HumanDynamics раҳнамолигидаги консорциум орқали амалга оширилмоқда



## №7-сонимизда

**2016 йилнинг март-май ойларида лойиҳада амалга оширилган асосий ишлар рўйхати**

▼ бет

### **Лойиҳа янгиликлари**

Лойиҳа Бошқарув қўмитасининг кенгаши: натижа ва режалар	4
Урганч шаҳар инклюзив таълим муассасаларига ташриф	5
Инклюзив таълимнинг Миллий стратегиясини тасдиқлаш борасидаги 7 чора-тадбирни ишлаб чиқиш	6
Тошкентдаги Дипломат аёллар клубининг (DWC) лойиҳа фаолияти билан танишуви	7
Лойиҳа фаолияти ҳақидаги маълумотлар Европа кунларида тақдим этилди	8
Европа Иттифоқи Вице-президентининг Самарқандга ташрифи	10

### **Мутахассис текшируви: ТППК ва ПТПК мутахассислари фаолиятининг мувафаққиятлари ҳамда комиссия аъзоларига таклифлар (Ю.Умарбекова)**

Ота-оналарни қўллаб-қувватлаш ва ўз вақтидаги маслаҳат – инклюзив таълим жараёнининг узилмас қисми	16
--	----

### **Ҳамкорларимиздан янгиликлар**

Қуёш ҳаммага баробар нур сочади	18
Болаларни мактабга тайёрлашда оила, болалар боғчаси ҳамда маҳалла ҳамкорлигининг имкониятлари хусусида	20
«Мўъжизалар вақти» ярмаркаси	21
Ўзбекистон жамиятини модернизациялаш шароитида оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш	23
Бирга яшаш - қувончларга ҳамнафас бўлиш, демакдир	24

<b>ОАВда инклюзив таълим ҳақида</b>	26
<b>Фойдали ҳаволалар</b>	27

## **Биз билан алоқа манзили:**

«Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларни инклюзив таълим олиши» лойиҳасининг офиси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази  
Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34, Тошкент шаҳар, 100100, Ўзбекистон  
Тел: (+99890) 980-59-85

Email: [inklyuzivnoe.obrazovanie@hd-ie.com](mailto:inklyuzivnoe.obrazovanie@hd-ie.com)

Лойиҳа веб-сайти: <http://www.inclusive-education.uz/>

Биз билан Фейсбукдаги саҳифа орқали боғланинг:

<https://www.facebook.com/inclusive.uz/?ref=bookmarks>



# Лойиҳада 2016 йилнинг март-май

ойларида амалга оширилган асосий

## ИШЛАР РЎЙХАТИ



2016 йил 23 февраль	Лойиҳа Бошқурув қўмитасининг кенгаши
2016 йил 29 февраль	Лойиҳа гуруҳининг Урганч шаҳар инклюзив таълим бўйича етакчи боғча ҳамда мактабларига ташрифи
2016 йил 2 март	Алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ота-онасини қўллаб-қувватлаш ва психологик ёрдам бериш учун семинар-тренинг
2016 йил 14 апрель	«Инклюзив таълимнинг Миллий стратегиясини тасдиқлаш борасидаги 7 чора-тадбирни тасдиқлаш» юзасидан давра суҳбати
2016 йил 15 апрель	Тошкентдаги Дипломат хонимлар клуби (DWC) вакиллари билан учрашув
2016 йил 10-11 май	Тошкент шаҳар ТППК ва ПТПК мутахассислари учун семинар
2016 йил 11 май	Европа кунлари доирасида ЕИ Ваколатхонасининг Тошкентда ўз фаолиятини бошлаганлигининг 5 йиллиги муносабати билан қабул маросими
2016 йил 12-13 май	Урганч шаҳар ТППК ва ПТПК мутахассислари учун семинар
2016 йил 13-20 май	Тошкент Фотосуратлар уйида «Европа Иттифоқи - Ўзбекистон» мавзусидаги фотокурғазма
2016 йил 16-17 май	Термиз шаҳар ТППК ва ПТПК мутахассислари учун семинар
2016 йил 18 май	Европа Иттифоқ Вице-президентининг Самарқанддаги №13-мактабга ташрифи
2016 йил 19-20 май	Самарқанд шаҳар ТППК ва ПТПК мутахассислари учун семинар
2016 йил 23 май	Урганч шаҳар Ресурс марказида ота-оналар учун семинар-тренинг

## Лойиҳа Бошқарув қўмитаси кенгаши: натижа ва режалар



2016 йилнинг 23 февра-  
лида «Ўзбекистоннинг  
алоҳида эҳтиёжли бо-  
лаларни инклюзив таъ-  
лим олиши» лойиҳаси  
Бошқарув қўмитасининг  
кенгаши бўлиб ўтди. Унда  
лойиҳа доирасида икки  
йил мобайнида ишлаб

чиқилган Инклюзив таъ-  
лимнинг Миллий страте-  
гиясини тасдиқлаш бо-  
расида қўлга киритилган  
асосий мувафаққиятлар,  
ТППК ҳамда таълим  
соҳаси мутахассислари-  
нинг бу соҳада имконият-  
ларини ошириш, умумий

таълим тизимида **1232** та  
алоҳида эҳтиёжли бо-  
лаларни жалб этиш, шу-  
нингдек, жамоатчиликни  
ушбу йўналишда керакли  
маълумотлар билан та-  
ништириш масалалари  
муҳокама қилинди.







## Урганч шаҳар инклюзив таълим муассасаларига ташриф

29 февралда лойиҳа гуруҳи алоҳида эҳтиёжли болаларга таълим бериш ҳамда уни умумтаълим жараёнига татбиқ этилганлиги билан танишиш, шунингдек, мактаб ижтимоий ҳаётида бундай болаларнинг самарали инклюзиясини йўлга қўйилишида дуч келинаётган тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш, бу борада лойиҳа қандай кўмак бериши мумкинлигини аниқлаш мақсадида Урганч шаҳар етакчи инклюзив таълим мактаб ҳамда боғчаларига ташриф буюрди. Таркибида халқаро эксперт Мудите Рейгас, қонунчилик масалалари бўйича эксперт Юлдуз Умарбекова, Тошкент ҳамда Урганч шаҳар координаторлари, шунингдек, Европа Иттифоқи делегациясининг Ўзбекистондаги вакили Акмал Рустамовлар бўлган делегация инклюзив жараёнга жалб қилинган болаларнинг ота-оналари, тарбиячи ва ўқитувчилари билан суҳбатлашишди. Суҳбат жараёнида келаётган охириг олти ой мобайнида лойиҳа томонидан алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ота-оналари билан алоҳида учрашувлар, бир қанча семинарлар ўтказиш зарурлиги аниқланди.





## Инклюзив таълимнинг Миллий стратегиясини тасдиқлаш борасидаги 7 чора-тадбирни ишлаб чиқиш



14 апрелда вазирликлар ҳамда халқаро кенгаш вакиллари учун «Инклюзив таълимнинг Миллий стратегиясини тасдиқлаш борасидаги 7 чора-тадбирни ишлаб

чиқиш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида иштирокчиларга «Инклюзив таълимнинг Миллий стратегияси» лойиҳаси, шунингдек, «Инклюзив таълим Миллий сиёсати» лойиҳаси тақдим

қилинди. Гуруҳ бўлиб ишлаш жараёнида қатнашчилар келгусида лойиҳа таъсирида Инклюзив таълим Миллий стратегиясини ривожлантириш ҳамда кенг татбиқ этишга қаратилган 7 асосий чора-тадбирни ишлаб чиқишди ва белгилашди.





# Тошкентдаги Дипломат аёллар клубининг (DWC) лойиҳа фаолияти билан танишуви

2016 йилнинг 15 апрелида Тошкентдаги Дипломат аёллар клуби (DWC) аъзолари ЕИ ҳамда Ўзбекистон ҳамкорлигига оид фаолият ва ушбу доирада йўлга қўйилган лойиҳалар билан танишиш мақсадида Ўзбекистондаги ЕИ Ваколатхонасининг қароргоҳига ташриф буюришди.

Тошкентдаги Дипломат аёллар Клуби халқаро ташкилотларнинг аёл вакиллари, элчи хонимлар ва турли мамлакат ҳамда ташкилотларнинг ваколати юзасидан Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган дипломатик миссия раҳбарлари/



хорижий элчиларнинг рафиқаларидан ташкил топган норасмий ассоциациядир. Учрашув қатнашчи иштирокчилари – Дипломатик Клуб вакиллари ЕИ Ваколатхонасининг Раҳбари, Элчи Юрий Штерк кириш нутқи билан қаршилади. Клуб аъзолари лойиҳа

гуруҳи экспертларининг тақдимот нутқини тинглаб, Тошкентдаги инклюзив таълимнинг қай даражада ривожланганлиги тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлиш учун алоҳида эҳтиёжли болаларнинг отонаси билан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлишди.



## Лойиҳа фаолияти ҳақидаги маълумотлар Европа кунларида тақдим этилди



2016 йилнинг 11 майида International Hotel Tashkent меҳмонхонасида Европа Кунлари, шунингдек, ЕИ Ваколатхонасининг Тошкентда очилишининг 5 йиллиги муносабати, шу сабаб, Ваколатхона доирасида Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган лойиҳаларнинг фаолияти ва эришилаётган натижаларга бағишланган фотоқўргазма бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан ҳамкорлик жараёнида Европа Иттифоқи томонидан 2007-2013 йилларда 71 млн.евро бегараз ажратилган, 2014-2020 йилларда эса 168 млн.евро маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда. Европа Иттифоқи таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси







каби йўналишларни ривожланишига таъсир кўрсатувчи лойиҳаларни молиялаштирган ҳамда молиялаштиришда давом этиб, мана шундай лойиҳалардан бири «Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларни инклюзив таълим олиши» лойиҳаси ҳисобланади.

Кўргазма жараёнида лойиҳа гуруҳи қатнашчилари Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (РБИММ), Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа шу каби муассасалар билан лойиҳа ҳамкорлиги тўғрисида маълумот бериб ўтишди. Кўргазмага ташриф буюрган меҳмонлар фотосуратлар ҳамда лойиҳанинг бенефициари, инклюзив синф ўқувчиси Артём Саприкиннинг мувафаққиятлари билан танишишди.

«Европа Иттифоқи-Ўзбекистон» ҳамкорлигига бағишланган фотокўргазма 13 майдан 20 майгача Тошкент Фотосуратлар уйида бўлиб ўтди.



Тошкент шаҳар №324-сонли инклюзив мактабнинг 1-синф ўқувчиси Артём Саприкин ўзи тасвирланган фотосуратлар намойиш этилаётган фотосуратлар кўргазмасига ташриф буюрди.



## Европа Комиссияси Вице-президентининг Самарқанд шаҳрига ташрифи

2016 йилнинг 16 майида Европа Комиссияси делегацияси «Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларни инклюзив таълим олиши» лойиҳасининг инклюзив етакчи мактабларидан бири бўлган Самарқанд шаҳридаги 13- мактабга ташриф буюрди. Делегацияни Европа Комиссиясининг Вице-президенти Марош Шефчович бошқарди. Делегация аъзолари таркибида Ўзбекистон Республикасидаги Европа Иттифоқи Делегациясининг раҳбари, Элчи Юрий Штерк, шунингдек, сиёсий маслаҳатчи жаноб Светлин Сергеенков, техник ҳамкорлик бўлимининг лойиҳалар бўйича менежери жаноб Акмал Рустамовлар бўлди.

Ташрифни ташкиллаштириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (РБИММ), халқ таълими бошқарувининг шаҳар ҳамда туман бошқармалари, етакчи болалар боғчаси ва мактабларнинг ўқитувчилари, алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ота-оналари, лойиҳа хизматчилари иштирок этишди. Ташриф пайтида делега-



ция аъзолари лойиҳани амалга ошириш жараёни билан танишиб чиқиб, инклюзив мактаб ҳамда боғча тарбиячилари ҳамда ўқитувчилари билан долзарб масалаларни муҳокама қилишди, шунингдек, алоҳида эҳтиёжли

болаларнинг ота-оналари билан учрашишди. «Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларни инклюзив таълим олиши» лойиҳасининг фаолияти ҳамда унда амалга оширилган ишларнинг натижаси ҳақида «Ўзбекистонда алоҳида







эҳтиёжли болаларнинг инклюзив таълим олиши» мавзусидаги тақдирот билан лойиҳанинг асосий бенефициари ҳисобланган Республика болаларни ижтимоий мослашуви марказининг (РБИММ) директори Алимова Васида Сатторовна сўзга чиқди.

Тақдирот жараёнида Халқ таълими Вазирлиги, Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, Олий ва ўрта махсус касб таълими Вазирлиги ҳамда Молия Вазирлиги билан узвий ҳамкорликка мувофиқ қуйидаги натижаларга эришилганлиги алоҳида таъкидланди:

- Инклюзив таълимнинг Миллий стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди;
- Алоҳида таълимий эҳтиёжли 800 бола 15 етакчи мактаб ва 15 етакчи боғчага қабул қилинди;
- 944 та педагог ходим ҳамда 90 та тиббий-педагогик ва психологик комиссиясининг мутахассислари ўз малакасини оширишди;
- Инклюзив таълим бўйича педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишнинг 4 модули ишлаб чиқилди;
- Беш етакчи Ресурс марказлари очилиб, у ерда алоҳида таълимий эҳтиёжли болалар

ҳамда уларнинг оилаларига, шунингдек, инклюзив таълимий хизматни ишлаб чиқиш ва уни қўллаш жараёнида иштирок этаётган экспертларга 1511 дан ортиқ консалтинг берилди;

- Ушбу йўналишда жамоатчилик хабардорлиги оширилди;
- Инклюзив таълим бўйича 1500 та ахборот қўлланмалари ўзбек ва рус тилларида ишлаб чиқилди ва тарқатилди.

Самарқанд вилоятида инклюзив таълимни ривожланиш ҳолати хусусида Вилоят Халқ таълими Бошқармасининг раҳбари Умаров Азамат Мардонович тадбир иштирокчиларини таништирди.

Самарқанд шаҳар №13-

сонли Инклюзив мактабнинг ўқитувчиси Юсупова Лола Валерьевна инклюзив синфларда таълим жараёнини ташкиллаштириш ва ушбу йўналишда эришилган натижалар ҳақида гапириб берди. Шунингдек, тадбир меҳмонлари ҳамда иштирокчилари №13-сонли мактабнинг инклюзив бошланғич синфларига ташрифи чоғидаги синф ўқитувчилари Исмаева И.Г., Юсупова Л.Ю., Умарова Н.У.лар билан суҳбатлашиш жараёнида Самарқанд шаҳридаги умумтаълим мактабларида инклюзив таълимни самарали татбиқ этилаётганлигига тўлиқ амин бўлишди.



## Мутахассис текшируви: ТППК ва ПТПК мутахассислари фаолиятининг мувафақиятлари ҳамда комиссия аъзоларига таклифлар



Шу ном билан 10 майдан 20 майгача лойиҳанинг етакчи худудларидаги тиббий-педагогик-психологик ва психолого-тиббий-педагогик комиссияси мутахассислари учун бир қатор семинарлар ўтказилди. Тренингларни инклюзив таълим

бўйича халқаро эксперт Мудите Рейгас ҳамда қонунчилик ва бюджет базалари бўйича эксперт Юлдузхон Умарбекова олиб боришди.


Тренинг ўтказилиш жараёнида иштирокчилар алоҳида эҳтиёжли болаларнинг таълим олишига оид қонунчилик базаси ва унга киритилган

ўзгартиришлар ҳақида маълумот олиш имкониятига эга бўлишди, шунингдек, алоҳида эҳтиёжли болалар ишлаш амалиётидаги аниқ ҳолатларни таҳлил қилиш ҳамда юзага келган муаммоларни ҳал этиш йўлларини таҳлил этишди. Тренингда 120 та мутахассис иштирок этиб, у ўқитувчи ва тиббиёт хизматчиларини қамраб олди.





Комиссия билан ишлаш жараёнида-  
ги мувафақиятлар ҳамда таклифлар  
ҳақида лойиҳанинг қонунчилик ва бюд-  
жет базаси бўйича эксперт Юлдузхон  
Умарбекова маълумот бериб ўтди.



**- Инклюзив таълим ва уни-  
татбиқ этиш юзасидан  
ТППК<sup>1</sup> и ПТПК<sup>2</sup> мутахассис-  
ларининг умумий хабар-  
дорлигининг ошганлигига  
ишига қандай баҳо берасиз?  
Уларнинг хабардорлик да-  
ражаси лойиҳагача ва у ўз**

<sup>1</sup> Тиббий-психологик-педагогик конси-  
лиум

<sup>2</sup> Психолог-тиббий-педагогик комис-  
сия - ПТПК - ушбу комиссия томонидан  
боланинг ақлий салоҳиятига турли мута-  
хассислар томонидан комплекс ташхис  
қўйилиб; ақлий ривожланиш даража-  
си- бу жараёндан орқада қолганми ёки  
ўз маромида кетаётган-кетмаётганлиги,  
умумтаълим мактабда ўқиш имкони бор  
ёки йўқлиги, махсус мактабга ўтказиш  
лозимлиги ёки махсус мактабдан  
қайта оддий умумтаълим мактабига  
қайтариш заруриятлари аниқланади.  
ПТПКга мактаб ёшигача бўлган болалар  
ҳамда 1-4-синфгача бўлган бошланғич  
синф ўқувчилари йўналтирилиб, бу  
ёш даврида болаларнинг оддий мак-  
табда ўқиш қобилияти бор ёки йўқлиги  
намоён бўлади. Комиссияга, одатда,  
була алоҳида шарт-шароитдаги таълим  
муассасасида шартим олиши шарт деб  
ҳисобланган ҳолатда мактабдаги хо-  
димлар (ўқитувчи, завуч) ёки ота-оналар  
муурожаат этишади.

Текширувлар натижасида комиссия ПТПК  
қарорини тузилиб, у билан танишиб  
чиққан ота-она ўз имзосини чекади.  
Қарордаги имзо комиссия текшируви  
жараёнида ота-она (қонуний вакиллари-  
нинг) иштирокини тасдиқловчи далил  
ҳисобланади.

ПТПК ҳисоботида ота-оналар учун  
қуйидагича сўровнома мавжуд бўлади:

1) Бола оддий мактабда таълим ола-  
оладими? 2) Махсус мактабда таълим  
олишига тавсиянома мавжудми? 3) Бо-  
лада логопед билан машғулот, шифокор,  
психологларнинг назорати ва муолажаси  
каби қўшимча машғулотларга эҳтиёж  
борми?

**фаолиятини амалга ошир-  
ганидан кейинги ҳолатда  
фарқланадими?**

**Ю. Умарбекова:** Лойиҳанинг  
етақчи ҳудудларидаги ТППК  
ва ТППК комиссия аъзолари  
ўз билимларини инклюзив  
таълимни ташкил қилишга оид  
Ўзбекистон Республикасида  
амалда бўлган қонунчиликка  
мувофиқ кенг қўллашмоқда.  
Уларнинг хабардорлик даража-  
си лойиҳа томонидан алоҳида  
эҳтиёжли болаларнинг таъли-  
мий эҳтиёжларини баҳолаш  
ҳамда ўрганиш воситаларининг  
ўрганилиши ва қўлланилишига  
оид маълумот беришга  
қаратилган тренинглар туфай-

ли бир қанча ошди. Махсус  
педагог ва шифокорларнинг  
болани таълим муассасаси-  
га йўналтиришга қаратилган  
қарор чиқаришга ёндошуви  
сезиларли тарзда ўзгарди.  
ТППК ва ПТПК комиссия аъзо-  
ларининг таъкидлашларича,  
болага қўйилган тиббий ташхис  
бош мезон эмас; муҳими бола  
нимани билиши ҳамда қила  
олишидир. Бугунги кунда ҳар  
бир бола ўз имкониятларидан  
келиб чиққани ҳолда таълим  
беришнинг маълум бир ша-  
клига йўналтирилиши шарт.  
Бизда мавжуд бўлган меъёрий-  
ҳуқуқий ҳужжатларга биноан  
таълим тизимида таълимнинг





тўрт шакли мавжуд. Булар: умумий таълим, махсус таълим, инклюзив таълим ҳамда уйда таълим олиш. ТППК ва ПТПК аъзолари таълим эҳтиёжларидан келиб чиққани ҳолда ҳулоса тақдим этишади ҳамда ота-оналар фарзандининг қизиқишига кўра таълим муассасасини танлашга оид қарор қабул қилишади.

**- Мутахассислар ўз фаолияти давомида кўпроқ қандай асосий муаммоларга дуч келишади? Муаммолар қай тарзда ўз ечимини топади? Бунга аниқ мисоллар келтира оласизми?**

**Ю.Умарбекова:** Мутахассисларнинг гапларига кўра, ушбу йўналишда ҳам бир қанча қийинчиликлар мавжуд. Шундай ҳолатлар бўладики, комиссия умумтаълим мактаби ёки мактабгача таълим муассасасига йўлланма берганда бундан норози ота-оналар ҳам учрайди. Ота-она рози бўлган тақдирда алоҳида эҳтиёжли болани таълим муассасаси қабул қила олмайди ёки қабул қилишга тайёр эмас. Бундай ҳолат, албатта, Ўзбекистонда инклюзив таълимни татбиқ этиш жараёнига тўсиқ бўлмаслиги керак. Бола-нинг ота-онаси билан ишлаш жараёнида фарзандларининг энг мақбул қизиқишлари асосида уларга тўғри йўналиш берилиши лозим. Мактаб ва боғчаларда эса алоҳида эҳтиёжли болаларни умумтаълим жараёнига жалб этиш учун аста-секинлик билан шарт-шароит яратиб борилиши керак.



Бу тўғрисида ТППК ва ПТПК комиссиясининг низомида ва қонунчилик ҳужжатларида





келтирилган. Инклюзив таълим жараёнини ташкиллаштириш ҳамда татбиқ этиш жиддий ёндошувни талаб этадиган ва босқичма-босқич амалга ошириладиган жараёндир. **Айнан ТППК ва ПТПК комиссиялари боланинг таълим тизимидаги тақдирини ҳал этиш пайтида етакчи мавқега эга.** Шунинг учун ҳам комиссия фаолиятини тартибга солиб турувчи бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

**- Ўтилган тренинглардан олган умумий таассуротларингиз.**

**Ю.Умарбекова:** Қувонарли тарафи шундаки, тренингларда нафақат лойиҳанинг етакчи шахарлари ТППК ва ПТПК аъзолари, балки Хоразм, Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг туманларидан иштирокчилар ҳам қатнашишди. Бу Ўзбекистон умумий таълим тизимига алоҳида эҳтиёжли болаларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириш учун инклюзив таълимни татбиқ этиш ташаббуси билан чиқиш кераклигидан далолат беради. Иштирокчилар тақдим этилган маълумот ҳамда тарқатма материаллардан мамнун эканликларини билдириб, буларни амалиётда қўллашга тайёрликларини айтиб ўтишди. Алоҳида урғу бериб айтиб ўтиш кераки, 2016 йилнинг 18 майида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Наманган шаҳрида мактабгача таълим муассасаларининг ходимлари ва ТППК аъзолари учун умумтаълим ҳамда махсус боғчаларнинг 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни йўналтириш фаолиятига қаратилган Республика



семинари ташкиллаштирилди. Семинарда ТППК фаолиятидаги алоҳида эҳтиёжли болалар билан кўкитувчи-дефектолог, сурдопедагогнинг махсус машғулотлари намойиш қилинди. Комиссия аъзолари ушбу йўналишдаги ўз тажрибалари билан ўртоқлашишди: коррекцион-ривожлантирувчи машғулотлар ёрдамида иш олиб борилган болалар ҳозир махсус болалар боғчасидан

умумтаълим болалар боғчасига ўтказилган.

Лойиҳа гуруҳи ҳам ушбу семинар фаолиятида иштирок этиб, Республикамизда мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга оид ўз таклиф ва ишланмаларини тақдим этди. Бундан ташқари, лойиҳа доирасида тайёрланган ижтимоий ролигимизни ҳам намойиш қилдик. **(Наргиза Алиқулова суҳбатлашди)**



## Ота-оналарни қўллаб-қувватлаш ва ўз вақтидаги маслаҳат — **ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ** жараёнини узилмас қисми



2 мартда Республика болалар ижтимоий мослашув марказида алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ота-онаси учун ўйин семинари бўлиб ўтди.

Семинар ролли ўйин шаклида ташкил қилиниб, ота-оналар турли инсонларда дунёни қабул қилиш турфа хил бўлишини билиб олдилар. Масалан, ва-







зифани бажариш учун ҳар бир ота-онага айнан бир хил йўриқнома берилди. Натижа нима бўлди дерсиз? Қатнашувчиларнинг барчаси турли натижага эришиб, бу ҳолат кўпчилик ота-оналарни мушоҳада юритишга ундади. Ҳақиқатан ҳам дунёни ҳар биримиз дунёқарашимиздан келиб чиқиб, ҳар хил англаймиз.

\*\*\*\*

23 майда Ота-оналар клуби ҳамда Хоразм ҳудуди координатори ташаббуси билан Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Ресурс марказида алоҳида таълимий эҳтиёжли болаларнинг ота-онаси учун семинар-тренинг ўтказилди. Семинар тренингда 30 та ота-оан қатнашди. Хоразм вилоят ўқитувчилар мала-

касини ошириш институти-нинг ўқитувчиси Навбаҳор Салаева (Москва Давлат университетини тугатган, психолог, фан доктори) олиб борди. Семинар жараёнида ота-оналар «алоҳида» болаларни тарбиялаш, мактаб ва жамият ҳаётига мослашуви-нинг таъминланишига доир ўзларини қизиқтирган кўплаб саволарга жавоб олишди.



# Қуёш ҳаммага баробар нур сочади

Мақсуда Муҳсинбоева: «Тадбир иштирокчиси сифатида мен ҳам бир боладан ўзи етиштирган сариқ, тўқ сариқ, қизил, ҳатто, қора голланд лолаларидан иборат ажойиб гулдаста олдим. Бу умрим давомида олинган энг гўзал гулдаста эди».

«Қуёш ҳаммага баробар нур сочади» шиори остида 2 апрелда Наманган шаҳар Муסיқа ва санъат мактабида Вилоят Халқ таълими Бошқармаси ташаббуси билан Вояга етмаганлар

билан ишлаш вилоят комиссияси, прокуратура, Наманган шаҳар ҳокимияти, «Болалар дунёси» газетаси ҳамкорлигида семинар-тренинг ўтказилди. Тадбирнинг асосий иштирокчилари алоҳида эҳтиёжли болалар ва уларнинг ота-онаси бўлишди. Кун тартибига мувофиқ, ушбу кун барчага манзур бўладиган тарзда болажонлар қўли билан яратилган ишлар кўргазмаси, №6-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг муסיқий дастури ташкил қилинди. Тантанали очилиш маросимида табрик сўзи билан

Наманган шаҳар Ҳокими Баҳодир Бекхўжаев, вилоят Халқ таълими бўлими Бош бошқармаси раҳбари Ваҳобжон Ражабов, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг вакили Санжар Худойбергенов, «Болалар дунёси» газетасининг вакили Мардон Эсонбоев ҳамда бошқалар иштирокчиларга самимий ва илиқ тилаклар билдиришди. Шунингдек, тақдирот билан №11-сон етакчи инклюзив мактаби ҳамда Ресурс марказининг директори Ўктамхон Мирзаева сўзга чиқди. Барча сўзга чиққанлар ўз нутқларида, ҳар бир бола-







нинг эҳтиёжларидан қатъий назар, унинг таълим олиши ҳамда тарбияси давлат аҳамиятига молик масала эканлигини таъкидлаб ўтишди. Фарзандлар тарбияси ва таълим олишида ота-она ва тарбиячининг масъул бўлиши алоҳида эътироф этилди. Табрик сўзларидан сўнг концерт дастурини ҳавола қилган болажонларнинг ўқиган шеърлари, куйлаган қўшиқлари, ўйнаган рақслари барчанинг кўнглини хушнуд этди. Қарсақлар қарсақларга уланиб, залдагилар самимий ва хурсандчилик муҳитида ўтиришди. Ҳар бир иштирокчи бу тадбирга совға билан келди. Бир бола унинг компютери йўқлиги ва ташкилотчилардан унга бу борада ёрдам

беришларини сўраганида, Вилоят ҳокими шахсан ўзи болакайга бу совғани етказишни билдирди. Ташкилотчилар томонидан ҳар бир бола тақдирланиб,

тантана сўнггида болажонлар ҳамда уларнинг ота-онаси учун «Арбат» ресторанида байрам дастурхони ёзилди.





## Болаларни мактабга тайёрлашда оила, болалар боғчаси ҳамда маҳалла ҳамкорлигининг имкониятлари хусусида



14 апрелда Наманган шаҳар № 68-сонли болалар боғчаси ташаббуси билан шаҳардаги мактабгача таълим муассасаларининг раҳбарлари, шунингдек, болалар боғчасининг ҳамкорлари учун байрам тадбири уюштирилди.

Ушбу болалар боғчасига юздан ортиқ бола ташриф буюриб, шулардан 13 таси алоҳида таълимий эҳтиёжга муҳтож болалардир. Малика Дадабоеванинг сўзларига қараганда, инклюзив гуруҳ деб ҳисобланган гуруҳдаги алоҳида эҳтиёжга муҳтож болалар ўз тенгдошлари қатори барча тўғарақларга қатнашишади. Унинг гуруҳидаги тўғарақдаги

машғулот 20 дақиқа давом этиб, агар машғулотлар пайтида болажонлар янги материални ўзлаштиришда қийинчилик сезишса, тўғарақ раҳбари чошгоҳдаги толма чойдан сўнг улар билан яна, қайта шуғулланади. Тадбирда болажонлар инглиз ва рус тиллари, спорт

тўғарақларида эришган муваффақиятларини ташриф буюрганларга намойиш қилишди. Шунингдек, «Зумрадойлар даврасида» тўғарагининг аъзолари ҳақиқий хамир қориб, ундан кулча нон ясашди. (Ўзингизга маълум, Зумрад «Зумрад ва Қиммат» эртагининг бош







қахрамони бўлиб, оқила, доно, меҳнатсевар қиз). Бошқа тўгарак аъзолари эса бу пайт рус тилида шеър ўқишиб, инглиз тилида қўшиқ куйлашди.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари кун тартибидаги дастурга биноан тажриба ва фикр алмашишди. Маҳалла қўмитаси, вилоят ва шаҳар халқ таълими Бошқармасининг вакиллари уч томонлама – «маҳалла-оила-боғча» алоқасининг

муҳим жиҳатлари ҳақида тўхталишди. Ўзаро бу ҳамкорлик боланинг ижтимоий мослашуви ҳамда ҳар тарафлама ривожланишига самарали ёрдам беришига доир жуда кўп ижобий мисоллар келтиришди. Шаҳар Халқ таълими бўлими Бош бошқармаси вакили Зухра Аббосова, яқинда мактабгача таълим муассасасининг тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган шахмат мусобақаси ҳақида маълумот бериб, унинг иштирок-

чилари фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланганлигини эслатиб ўтди.

Иштирокчилар № 68-сонли болалар боғчасининг мудираси Саида Сайдуллаевага ушбу муҳим тадбирни ташкил қилиш ва ўтказишда кўрсатган ташаббуси учун ўз ташаккурларини айтишди. (Бизга тақдим этилган маълумотлар учун М.Мухсинбоевага ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз)

## 2016 йилнинг 2 апрелида Тошкентда ўн бешинчи марта, юбилей сифатида «Мўъжизалар вақти» хайрия ярмаркаси бўлиб ўтди.



Имконияти чекланган болалар билан ишловчи йигирмага яқин ташкилотлар «Мўъжизалар ярмаркаси» гуруҳи фаоллари, волонтерлар билан ҳамкорликда ўз васийлиги остидаги-


ларнинг қилган ишларини йиғилганларга намоиш қилишди. Болалар уйи, махсус мактаб ва жамоат ташкилоти интернатларининг тарбияланувчилари ўйинчоқ, кашта, безак ва

расмлардан иборат бир ярим мингдан ортиқ нарсаларни кўргазмага олиб келишди. Буларнинг барчаси болажонлар қўли билан ясалгандир.



5 май –

Халқаро имконияти чеклан-  
ган кишиларнинг ҳуқуқини  
ҳимоя қилиш куни



**Я**   
**ТАКОЙ ЖЕ,**  
**КАК И ТЫ**





# Ўзбекистон жамиятини модернизациялаш шароитида оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш



29 апрелда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (РБИММ) ҳамда «Етакчи» ёшлар марказининг ташаббуси билан «Ўзбекистон жамиятини модернизациялаш жараёнида оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференция жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликларидан мутахассислар; «SOS – Ўзбекистондаги болалар шаҳарчаси» Ассоциацияси, ЮНИСЕФ фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» Фондининг вакиллари, шунингдек, ОЎЮнинг профессорлари, илмий ходим ва талабалари қатнашишди. Республика болаларни ижтимоий мослашуви

маркази мутахассислари «Алоҳида эҳтиёжли болаларни жамиятга мослаштириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш» шўъбасида бир қатор маърузалар билан қатнашишиб, маърузаларда «Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларини инклюзив таълим олиши» лойиҳаси доирасида эришилган ютуқлар алоҳида таъкидлаб ўтилди. Конференциядаги чиқиш ва маърузалар «Илмий ишлар тўплами»га киритилди.



## Бирга яшаш - қувончларга ҳамнафас бўлиш, демакдир



23 майда Урганчда алоҳида эҳтиёжли болалар ва уларнинг ота-оналари, шунингдек, «Умид» хайрия клубининг аъзолари учун хайрия дастурхони ёзилди. Тадбирга «Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларини инклюзив таълим олиши» лойиҳасига бириктирилган етакчи мактаб ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчилари таклиф қилинди. Тадбир жараёнида барчани кўтаринки кайфият тарқ этмади. Хайрия тадбирини тадбиркор Марҳаб Отажонова ташкиллаштирди.



# ОАВДа инклюзив таълим ҳақида



18 №9  
03.03.16

ТЕМА

ТАСВИР

## ОСОБЫЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ПОТРЕБНОСТИ

Анна ЖЕДИНОВСКАЯ

В марте 2014 года в Узбекистане совместно с Еврокомиссией Союзом стартовал проект «Инклюзивное образование для детей с особыми потребностями в Узбекистане». Ожидается, что проект завершится в марте 2016 года, однако было решено продлить срок его реализации до октября текущего года.



**НАЦИОНАЛЬНАЯ** стратегия развития инклюзивного образования на 2015–2017 гг. указывает на то, что в Узбекистане всё ещё недостаточно для обеспечения доступа к образованию детей с особыми образовательными потребностями. В связи с этим остро встал вопрос о поддержке более инклюзивной образовательной практики. В связи с этим остро встал вопрос о поддержке более инклюзивной образовательной практики.

**ГЛАВНОЕ — ВЕРИТЬ** В настоящее время участниками проекта стали 1232 ребёнка с особыми образовательными потребностями в систему общего образования в пяти регионах, где работают инклюзивные школы. На данный момент в рамках проекта на базе образовательных учреждений в пяти регионах, где работают инклюзивные школы.

**ЧТО ТАКОЕ ИНКЛЮЗИВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ?** Инклюзивное образование означает, что ученики, включая учащихся с особыми образовательными потребностями, учатся в общеобразовательных школах, чтобы быть частью общества и участвовать в жизни общества. Инклюзивное образование означает, что ученики, включая учащихся с особыми образовательными потребностями, учатся в общеобразовательных школах, чтобы быть частью общества и участвовать в жизни общества.

**МЕТОДОЛОГИИ** Методы, способы и стратегии работы с учащимися инклюзивного образования были подготовлены совместно с зарубежными и национальными экспертами в рамках проекта. Методы, способы и стратегии работы с учащимися инклюзивного образования были подготовлены совместно с зарубежными и национальными экспертами в рамках проекта.

Телефон издательского дома ТАСВИР: 129-20-29/129-20-28/129-20-21/129-20-18

ТАСВИР

ТЕМА

№9  
03.03.16

моросят-стихи, они становятся более коммуникативными, эмоционально-стабильными, а значит, и более счастливыми. Например, один из учеников 1 класса нашей инклюзивной школы признался мне, что в школе ему очень нравится, у него тут друзья, и учительница его очень любит. А когда его спрашивали, чему он научился, он говорил, что стал красивее, умнее, больше знает, а ещё научился многому.

**У ВСЕХ ВСЁ ПОЛУЧИТСЯ!** «Я-и» система имеет довольно чётко спланированную палитку на своих этапах в возрасте 1,5 лет. Но, несмотря на это, мы готовим детей к инклюзивному обществу. Сейчас прошёл уже достаточное количество времени, чтобы понять, мы сделали правильный выбор. Дети хорошо учатся, дружат с ребятами из группы — она смешанная, как и другие классы. Тренеры Дамуровы помогают на разносторонних занятиях в развитии ребёнка не только в школе, но и в жизни. Его особые потребности не стали помехой для получения качественного образования. Я, как мама ребёнка с особыми потребностями, хочу сказать другим родителям детей с особыми потребностями: «У нас всё получится, не бойтесь инклюзива», — рассказывает мама Дамуровых Дамуровна.

**ИНДИВИДУАЛЬНЫЙ ПОДХОД** С 2015–2016 учебного года в рамках проекта...



ЭТО ТОЛЬКО НАЧАЛО...

За время реализации проекта в Узбекистане были достигнуты немалые результаты. Вот лишь некоторые из них: Запустили 30 инклюзивных школ и детских садов в пяти регионах страны — Ташкент, Самарканд, Навои, Ургенч и Термез; Провели обучение на специализированных занятиях в семинарах 60 тренеров, 944 педагогов и воспитателей, 247 педагогов инклюзивных и инклюзивных школ, 374 родителей, а также 90 педагогов многопрофильной психологической комиссии;

Для того, чтобы инклюзивное образование эффективно развивалось в нашей стране, необходимо транслировать знания простых правил: «Иди от простого к сложному»; «Не бойся говорить о своём ребёнке открыто, не прятать его, а наоборот — активно вовлекать в жизнь общества»; «В учреждениях социальной и реабилитационной работы с особыми потребностями необходимо включать всех — семью, родственников, друзей, соседей, так как ребёнок — это часть жизни»; «Важно приносить средства массовой информации к освещению инклюзивного образования, а также их развитию и контролю, который осуществляется».

Телефон издательского дома ТАСВИР: 129-20-29/129-20-28/129-20-21/129-20-18

2016 йилнинг март-май ойларида лойиҳа фаолияти, шунингдек, инклюзив таълим мавзуси мамлакатимизнинг 10 та етакчи «Даракчи» (№13, 31.03.2016 й.), «Тасвир» (№9, 03.03.2016й.) газеталари, «Ориат Доно» ва «Ориат FM» радиолари, «Бола ва замон» журналы, шунингдек, «Самаркандский вестник», «Маърифат нури» ҳамда бошқа ОАВда ёритилди.



6/ ТЕМА НОМЕРА

## Знания - на равных со всеми

Подходит к концу учебный процесс, остался всего один четвёртый, и ребята счастливо уйдут на долгожданные каникулы. Благодаря проекту «Инклюзивное образование для детей с особыми образовательными потребностями в Узбекистане»...



ТАСВИР

Анализ «особенности» детей с особыми образовательными потребностями...

История и судьбы... В рамках проекта...

ТАСВИР

Класс «Инклюзивное образование»...

Класс «Инклюзивное образование»...

ТАСВИР

Класс «Инклюзивное образование»...

Класс «Инклюзивное образование»...

ТАСВИР

Класс «Инклюзивное образование»...

Класс «Инклюзивное образование»...

ТАСВИР

Класс «Инклюзивное образование»...

Класс «Инклюзивное образование»...



# Фойдали ҳаволалар

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган  
«Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларини  
инклюзив таълим олиши» лойиҳаси доирасида қуйидаги  
Ахборот қўлланмалари тайёрланди:



Болалар учун  
инклюзив таълим  
бериш бўйича  
китобча



Давлат органлари ва  
идораларга инклюзив  
таълим тўғрисида  
маълумот берувчи  
Ахборот қўлланмаси



Аҳолига инклюзив  
таълим юзасидан  
маълумот берувчи  
Ахборот  
қўлланмаси



Инклюзив таълим  
бўйича ўқитувчилар  
гурухи ва ота-  
оналарни бошқарув

Лойиҳа доирасида тайёрланган  
ушбу нашрлар ва ахборот  
бюллетенининг мазкур сонлари  
(№1-№6) бизнинг сайтимизда мавжуд:  
<http://www.inclusive-education.uz/>







## Ҳамкорларимизнинг сайти:

1. Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази – <http://www.rcsad.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги – [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги – [www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги – [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz)
5. Ўзбекистон Республикаси Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва меҳнат вазирлиги – [www.mehnat.uz](http://www.mehnat.uz)
6. БМТнинг Ўзбекистондаги Болалар фонди (ЮНИСЕФ) – <http://unicef.uz/>
7. «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоат болалар Фонди – <http://www.sen.uz>
8. SOS – Ўзбекистондаги болалар шаҳарчаси – <http://sos-kd.uz/>

## ХУДУДЛАРДАГИ ЭКСПЕРТЛАРНИНГ КОНТАКТЛАРИ:

Урганчдаги масъул шахс:  
Лойиҳанинг ҳудуддаги координатори:  
Илмира Қобулова,  
Тел.: +99893 755 17 87  
Эл.почта: [ilmira.kabulova@gmail.com](mailto:ilmira.kabulova@gmail.com)

Термиз шаҳридаги масъул шахс:  
Лойиҳанинг ҳудуддаги координатори:  
Ихтиёр Темиров,  
Тел.: +99890 521 34 05  
Эл.почта: [ixtiyor\\_temirov@inbox.uz](mailto:ixtiyor_temirov@inbox.uz)


Наманган шаҳридаги масъул шахс:  
Лойиҳанинг Наманган шаҳридаги ҳудудий координатори: № 11-мактаб ва Ресурс марказининг директори:  
Ўктамхон Мирзаева  
Адрес: Бобуршоҳ кўчаси, 49-уй  
Тел.: +99869 228 51 04

Самарқанд шаҳридаги масъул шахс:  
Региональный координатор проекта:  
Рано Халилова, тел: +99890 603 38 45  
Эл.почта: [rano.halilova@mail.ru](mailto:rano.halilova@mail.ru)

Тошкент шаҳридаги масъул шахс:  
Лойиҳанинг ҳудуддаги координатори:  
Дилдора Тўлаганова  
Тел.: +998 93 512 83 54,  
Эл.почта: [dtulyaganova@mail.ru](mailto:dtulyaganova@mail.ru)

«Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларини инклюзив таълим олиши» лойиҳасининг офиси:  
Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази, Тошкент шаҳар, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй  
Тел.: +99890 980 59 85  
Эл.почта: [inklyuzivnoe.obrazovanie@hd-ie.com](mailto:inklyuzivnoe.obrazovanie@hd-ie.com)

# Лойиҳа ҳақида қисқача маълумот ”Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларини инклюзив таълим олиш” лойиҳаси



Лойиҳа ўз фаолиятини уч асосий йўналишда 5 географик ҳудудда – Тошкент шаҳар, Самарқанд вилояти, Наманган вилояти, Хоразм вилояти, Сурхондарё вилоятларида олиб боради.

**Биринчи йўналиш:** Стратегик доира. Алоҳида эҳтиёжга муҳтож болалар учун тенг ва инклюзив муносабат ўрнатишда ҳукуматнинг юридик ҳамда молиявий доирасида узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш

**Иккинчи йўналиш:** Имкониятларни кенгайтириш. Инклюзив таълим бўйича хизмат олди ва паралел йўналишда ўқитувчилар ҳамда ёрдамчи ходимларни тайёрлаш модулини ишлаб чиқариш ва йўлга қўйиш.

**Учинчи йўналиш:** Жамият хабардорлигини ошириш  
Ўзбекистонимизда алоҳида эҳтиёжга муҳтож болалар ва катталарни инклюзиясини амалга ошириш зарурлигини жамиятга етказиш.



Европа Иттифоқи



РБММ



Ўзбекистон Республикаси

Ушбу лойиҳа Европа Иттифоқи томонидан  
молиялаштирилмоқда ва HumanDynamics раҳнамолигидаги  
консорциум орқали амалга оширилмоқда.

[inclusive-education.uz/](http://inclusive-education.uz/)

[www.facebook.com/inclusive.uz](https://www.facebook.com/inclusive.uz)

[eeas.europa.eu/delegations/uzbekistan](https://eeas.europa.eu/delegations/uzbekistan)

[www.facebook.com/eudeluzb](https://www.facebook.com/eudeluzb)

[www.rcsad.uz](http://www.rcsad.uz)

Тошкент, 2016 й.